

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини юритишни тугатиш тўғрисида)

2024 йил декабрь ойининг 19 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси М.Кўчқоровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори катта ёрдамчиси Ф.Алтмишев, судланувчи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг иштирокида, [REDACTED]га оид [REDACTED]сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] ([REDACTED]), [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, уч нафар фарзанди бор, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман судининг 2015 йил 3 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 5 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган.

Суд, тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб, уларнинг кўрсатувларини тинглаб, давлат айбловчисининг фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2024 йил 22 сентябрь куни соат 17:00 ларда, ўзининг бошқарувида бўлган “ [REDACTED] ” механик воситасида 4R-24 “ [REDACTED] ” автомобиль йўлининг 36-чақиримида Оққўрғон тумани маркази йўналишида ҳаракатланиб келиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қопламасини бузиш ёки ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш



тақиқланади. Ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса, мавжуд барча воситалар билан хавф-хатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огоҳлантириши ва ички ишлар органларига хабар бериши шарт”лиги, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 73-банди яъни, “Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак”лиги ҳамда 77-банди 1 ва 2-қисми “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак” деган талабларига зид равишда, ўзи билан бир йўналишда кетаётган фуқаро [REDACTED]нинг бошқарувидаги “Кобалт” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасини орқа томонига урилиб, тўқнашув содир этган. Натижада “Мопед” механик воситаси ҳайдовчи [REDACTED] ҳамда унинг йўловчиси 2001 йилда туғилган [REDACTED] тан жароҳатлари билан [REDACTED] тумани тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 13 ноябрдаги 1030-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг баданида “чап катта болдир суяги дистал кичик болдир суяги пастки учлигидан ёпиқ синиб силжиганлиги, чап биллак соҳасидаги шилинма ўрнида пушти доғлари кўринишидаги” тан жароҳатлари аниқланиб. ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси ўз белгисига кўра “Оғир” тан жароҳатлари тоифасида баҳоланиши аниқланган.

Судга-оид транспорт-трассалогия ва йўл транспорт ҳодисаси механизми экспертизасининг 2024 йил 16 ноябрдаги 691-692-сонли хулосасига кўра, мопеднинг олд томони “Кобалт” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасининг орқа чап томонига теккан ҳамда бу вақтда бўйланма ўқлари орасидаги бурчак 4+5 даража атрофида бўлган, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган вақтда “Мопед” ҳаракатда бўлган “Кобалт” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси эса ҳаракатсиз бўлган, ЙТХ шароитида “Мопед”нинг ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 73 ҳамда 77-банди 1- ва 2-қисми талабларига зид бўлганлиги кўрсатилган.



Дастлабқи тергов органи томонидан [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида дастлабқи тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчи [REDACTED] билан ихтиёрий ярашганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганини, ярашувга ихтиёрий равишда рози бўлганини, ҳозирда [REDACTED]га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини юритишни тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида дастлабқи тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчи [REDACTED] билан ихтиёрий ярашганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганини, ярашувга ихтиёрий равишда рози бўлганини, ҳозирда [REDACTED]га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини юритишни тугатишни сўради.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида дастлабқи тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий ярашганини, ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини, ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг бир қатор моддаларида, шу жумладан 268-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 27-сонли Қарорининг 10-бандида кўрсатилишича “Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги



масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ҳамда Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва судланувчи суд мажлисида ярашганликларини, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар судга бу ҳақда ариза беришганлигини ва аризани ихтиёрий равишда ёзишганлигини, уларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, судланувчини ўз айбига ихтиёрий иқроп бўлганлигини, етказилган зарарни бартараф этганлигини инobatга олиб, суд [REDACTED] га нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра, унинг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни;

жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган [REDACTED] ([REDACTED])га нисбатан жиноят ишини юритиш ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан тарафлар у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, агар у апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, шу тартибда кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

С.Т.Исакулов

Нусха аслига тўғри:

